

Умумий ўрта таълим тизими бошқарувини такомиллаштиришнинг назарий асослари

**З.Жабборова,
Жиз.пед.кол. ўқитувчиси.**

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизimini қайта қуришни ўйлар эканмиз, бунда умумий ўрта ўрта таълим тизимга боғлаб узлуксиз таълим тизimini таҳлил қилиш, ўрганиш, ундаги масалаларни ечишда ўзаро алоқаларни эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Режалаштириш кўрсаткичларига кўра умумий ҳисоблаш усули ҳудуддаги муҳим жараёни таҳлил қилган ҳолда тармоқлар, халқ хўжалигидаги кўрсаткичларга баҳо бериб, уларни ҳар бир кўрсаткич асосида аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга бу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, масаланинг ечимини ҳар томонлама аниқлашда қайта ишланган математик усуллар мажмуаси асосида олинган натижа ҳисоботлари ўрганилади.

Ушбу математик моделлар мажмуаси тизимдаги ўзаро алоқаларни аниқлашни ифодалайди ва бошқарув жараёнларида бир-бирига яқин бўлган масалаларни чеклашга қарамай, тизимдаги умумий мақсадни шакллантиришга асосланади.

Шу сабабли моделлар мажмуасининг асоси, режалаштириш жараёнидаги ҳар хил иқтисодий ҳолатлар ўртасида ахборот алмашинуви тўғри ташкил қилиниб, бунда қуйидан юқорига ёки юқоридан қуйига бўлган алоқалар сифатида моделлаштириш элементлари жойлаштирилади. Ана шундай ҳамма боғланиш жараёнларини аниқлаш, уларни кўп томонлама кузатиш, қарши алоқани йўлга қўйиш учун кўрсаткичлар назорати амалга оширилади.

Масаланинг ўзаро алоқалар асосида тузилган ҳамма муаммоларини ҳал этиш учун ягона тизимга йўналтирилган умумий математик модел ишлаб чиқилади ва улар умумий ҳисоблашга йўналтирилади.

Ечимлар мажмуасини бундай жамлаш ҳолати ягона ҳисоблаш жараёнида амалга оширилади ва режали ҳисоблашда энг юқори натижага эга бўлиб, киритилаётган бошланғич ахборотларни қайта ишлаш сабабли режалаштиришнинг асосий масаласини ечишда қўл келади.


Ушбу масалани ечиш жараёнини умумий ўрта таълим муассасалари мисолида қарар эканмиз, у узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришдаги режалаштиришнинг бир қисми ҳисобланиб, бунда ўқувчилар ва синфлар сони асосий кўрсаткич сифатида олинади.

Умумий ўрта таълим тизимида мос масалада киритилаётган кўрсаткичлар ҳисоблаш тизими асосида шаклланади. Масала учун башоратга мўлжалланган математик моделни танлаш ҳар хил башоратларни белгиловчи кўрсаткичларни танлаш, улар ўртасидаги боғлиқликни амалга ошириш орқали амалга оширилади.

Ҳамма кўрсатилган масалаларни бирлаштирган ҳолда ягона ахборот базаси яратилади ҳамда у ҳисоблашни автоматлаштириш дастурини татбиқига боғлиқ бўлади.

Умумий ҳисоблашдаги дастурий тадбиқнинг ижобий томони шундан иборатки, у режалаштиришни тўлиқ автоматлаштириш; ўз навбатида янги масалаларнинг сифатли ечимини топиш, тизимли режадаги ҳисоблашларни амалга ошириш, масалани ечиш давомида алоҳида ҳисобни бажаришга йул қўймасликка йўналтирилган бўлиб, хулосада чегараланган кўрсаткичлар асосида умумий тизимдаги ҳисоблашни амалга оширади.

Умумий ўрта таълим тизими муассасалари масаласининг ишланиши умумий ҳолда қуйида келтирилган блок-схема кўринишида амалга оширилади.




1.1-расм. «Умумий ўрта таълим тизими муассасалари» масаласини ечишнинг ахборотлашган тузилмаси.

Умумий ўрта таълим муассасаларига доир масалаларни ечишни бошқа тарафдан олиб қарайдиган бўлсак, унда умумий ўрта таълим ва мактабгача таълим муассасалари педагогларига бўлган талаб муҳим ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам умумий ўрта таълим тизимини ривожлантиришни режалаштиришнинг йўналтирилган умумий ҳисобини амалга оширишда ўқув юртларида қуйидаги тартиб асосида педагог кадрлар тайёрлаш масаласи қўйилади:

1. Бошланғич синф ўқитувчилари;
2. 4-9-синфлардаги фанлар, шу жумладан, экология бўйича ўқитувчилар.



1.2-расм. Мақбуллик блоки ёрдамида педагог мутахассисларга талаб масаласини ечишнинг ахборотлар тузилмаси

1. Муסיқа, расм, меҳнат ва жисмоний тарбия бўйича ўқитувчилар.

2. Хорижий тиллар бўйича ўқитувчилар.

Мактаб-интернатлари, мактаб ичидаги интернатлар, куни узайтирилган мактаблар учун ўқитувчилар.

3. Тарбиячилар:

Мактабгача таълим муассасалари:

4. Тарбиячилар.

Хорижий тил ўқитувчилари.

5. Муסיқа ўқитувчилари.

Бундан ташқари, схемада қуйидаги бўлимлар ҳам муҳимдир.

6. Миллий синфлар структурасини режалаштиришга мўлжалланган ўқув режаларини тузишга доир ахборотларни тайёрлаш бўлими.

7. Мутахассисликлар бўйича педагогик ходимларнинг тақсимот бўлими.

8. Маънавий-маърифий ишлар бўйича қўшимча мутахассисликлар тайёрлаш ва тақсимлаш бўлими.

9. Мақбуллаштириш бўлими.

10. Вариантли ҳисоблар бўлими.

Бундаги педагог ходимларнинг тақсимот бўлими (11) асосида олий таълим муассасаларининг кундузги бўлими битирувчилари мутахассисликлар бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда ёш мутахассислар сифатида тақсимланади.

11-бўлим педагог ходимларга бўлган талаб асосида ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларига тақсимланади ҳамда бу жараён ўқув йилининг бошида амалга оширилади.

12-мақбуллик бўлимида керакли мақбул режа асосида иш кўриб, қўшимча педагогларга бўлган талабнинг энг кам ҳолда чегараланганлигини амалга ошириб, педагогик ходимларнинг ўсиши ҳамда уларнинг турғунлигини амалга ошириш билан бирга бу бўлим – битирувчиларни умумий ўрта таълим муассасаларига юборишдаги қўшимча кўрсаткичларни ўрганади.

Вариантлар бўлими эса тезлик билан педагогик ходимлар тайёрлашнинг қисқа, ўрта ва кўп ҳолатларига йўналтирилган вариантлар асосида иш кўриб, улар ичидан энг яхши (мақбул) варианты танлаб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимида педагог ходимларга бўлган талабнинг қондирилиши, уларнинг илмий салоҳияти, мутахассисликлар бўйича тақсимои бўйича ижобий натижага эришилади.